

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 631.16:626.81 (575.152)

АЗИЗКУЛОВ БАХТИЁР ХУШВАКТОВИЧ

**ПАХТАЧИЛИКДА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ**
(Самарқанд вилояти мисолида)

08.00.04 – «Агросаноат мажмуи иқтисодиёти»

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2010

Диссертация иши Тошкент ирригация ва мелиорация институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Холмўминов Шайзоқ Рахматович.

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдуллаев Равшан Воҳидович;
иқтисод фанлари номзоди, доцент
Баратов Ҳокимбек Абдуфаттоҳович.

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
Вазирлиги.

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил “_____” _____ соат _____да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил “_____” _____да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган
кенгаш илмий котиби,
иқтисод фанлари доктори**

Ф.И. Мирзаев

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири – соҳага фаол татбиқ этилаётган агротехнологиялар самарадорлигини ошириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «...корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш»¹ лозим.

Ҳар бир ҳудуднинг иқлим шароити, мавжуд сув ресурслари ҳамда минтақадаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, пахтачиликда илмий-тадқиқот ва амалий ишларнинг самарадорлигини ошириш, уруғчилик ва селекция ишларини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги экинларининг серҳосил, харидоргир бўлган навларини танлаш ва жойлаштириш, ресурсларни тежовчи самарали агротехнологияларни жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик ерлари унумдорлигининг пасайиши, агротехнологиялардан фойдаланиш талаб даражасида эмаслиги тармоқ ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Ушбу ҳолатни айнан стратегик аҳамиятга молик бўлган пахтачилик соҳасининг ривожланиш жараёнида кузатиш мумкин. Чунки, соҳани барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири агротехнологиялардан фойдаланишга комплекс тарзда ёндошилмаяпти, деб бўлмайди. Шунингдек, ерларни экишга тайёрлаш, суғориш, ҳосилни йиғиб-териб олиш каби агротехник тадбирларни ўтказиш ва амалиётда қўллаш ишлари илмий асосланган талаб ва меъёрларга тўла жавоб бермайди. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, пахтачиликни барқарор ривожлантиришда ишлаб чиқариш жараёнига ресурсларни тежовчи самарали агротехнологиялар комплекс тарзда қўлланган ҳолдагина самара бериши мумкинлиги исботланган.

Шу жиҳатдан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланишини таъминлашга эришишда «...агротехник тадбирларни амалга ошириш, сув ресурсларидан ва қишлоқ хўжалиги техникаларидан унумли фойдаланиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ҳисобига олинадиган фермер хўжаликлари даромадини ошириш ва бошқа моддий ресурсларни тежайдиган янги агротехнологияларни қўллашга қулай шароит яратиш, фермер хўжаликлари билан тайёрлов, хизмат кўрсатувчи ва таъминот ташкилотлари ўртасида шартномалар тузишни ташкил қилиш»² каби вазифалар ўз ечимини топиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, пахтадан юқори ҳосил олиш ва унинг сифатини яхшилаш Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш стратегиясининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Ушбу жараёнда асосий эътибор пахта хомашёси етиштиришда агротехнологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги оширилишига

¹Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. –Б.21.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида махсус комиссиясини ташкил қилиш тўғрисида» ги фармони. «Халқ сўзи», 2008 йил 7 октябрь.

қаратилади. Юқоридаги сабабларга кўра, пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигига эришишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги танлаб олинган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш, шу жумладан, агротехнологик жараёнларни ташкил этиш, ер-сув, моддий, меҳнат, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, инфратузилмаларни ривожлантириш муаммолари иқтисодчи олимлар С.Н.Усманов, Р.Х.Хусанов, Р.В.Абдуллаев, Ҳ.А.Баратов, В.М.Баутин, С.С.Ғуломов, В.В.Ким, О.Муртозаев, Ў.П.Умурзоқов, Т.Х.Фармонов, Қ.А.Чориев, Ф.Қ.Қаюмов, Ш.Р.Холмўминов, Н.С.Хушматов, Э.Ж.Юсупов, О.А.Шерматов, И.М.Ғаниевлар томонидан тадқиқ этилган³.

Хусусан, Р.Х.Хусановнинг илмий-тадқиқот ишлари пахта хомашёси етиштиришда янги технологияларни жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигини ўрганишга бағишланган. Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланишнинг самарадорлиги комплекс тарзда тадқиқ этилмаган. Бу эса, ушбу муаммони диссертация мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент ирригация ва мелиорация институти ва Тошкент Давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг илмий асосларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;
- пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омилларни тизимлаштириш;
- пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш;

³ Усмонов С.Н. Дехканское (фермерское) хозяйства. –Т.: -1997. –с.176.; Хусанов Р.Х. Пахта хом ашёсини етиштиришда янги технологиянинг асосий моҳияти. - Т.: Меҳнат, -1993.-78 б.; Абдуллаев Р.В. Динамика производства и экспорта хлопкового волокна в странах Центральной Азии //“Аграрная наука”. № 3. – Москва, 2001. -с. 6-8.; Баратов Ҳ.А.Пахтачилик мавжуд технологияларини пахта ҳосилдорлиги ва меҳнат унумдорлигига таъсири. Андижон, 2008. 25-26 б.; Баутин В.М. Понятие “инновация” как экономическая категория –М.: -ФГНУ “Росинформагротех”, 2003. - с. 77-78; Гулямов С.С., Холмуминов Ш.Р. Совершенствование планирования трудовых ресурсов АПК региона. -Т.: Меҳнат,-1994. с. 119; Ким В.В. Проблемы повышения эффективности сельского хозяйства. “Фан”, Т.: 1997. с. 14-15.; Муртозаев О. Пахтачилик агросаноат мажмуаси самарадорлигини ошириш муаммолари. “Фан”, Т.: 2005. 86-89 б.; Умурзоқов У.П., Чориев Қ.А. Перспективы развития альтернативных форм технического обслуживания и агросервиса в Узбекистане. – Т.: 1999. 69-72 б.; Фармонов Т.Х. Ўзбекистон Республикаси фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. -Т: ЎзБИИТИ, 2000. 67 б.; Қаюмов Ф.К. Эффективность и АПК в условиях перехода к рынку. – М., ИПО полигрант, 1992. с.160; Хушматов Н.С. Ғўза селекцион навлари иқтисодий самарадорлигини баҳолашнинг услубий асослари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. -Т: ЎзБИИТИ, 2004. 132 б.; Юсупов Э.Ж. Пахтачилик мажмуини ислоҳ қилиш ва тармоқлараро иқтисодий мутаносибликни шаклланиш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: ЎзБИИТИ, 1998. 156 б.; Шерматов О.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида пахтачиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферати. –Т.: ЎзБИИТИ, 2006. 47 б.; Ғаниев И.М. Маҳсулот таннархини пасайтириш пахтачиликни самарали ривожлантириш асоси. –Т.: ЎзБИИТИ. 2004. 336 б.

- пахтачиликда илғор агротехнологиялар жорий қилинишининг соҳа самарадорлиги оширилишига таъсирини аниқлаш;
- пахта етиштиришда хорижий мамлакатлар агротехнологияларидан республикада шароитида ижодий фойдаланиш бўйича амалий таклифлар тайёрлаш;
- пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигига эришишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;
- пахтачиликда хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини ривожлантириш асосида агротехнологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида республикада қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган пахта етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари ва хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари танлаб олинди, монографик тадқиқотлар Самарқанд вилоятида ўтказилди.

Пахтачиликда агротехнологик жараёнлар самарали қўлланишида фермер хўжаликлари ва хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектлари ўртасидаги ташкилий ва иқтисодий муносабатларни яхшилаш бўйича билдирилган таклифлар тизими тадқиқотнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда қиёсий таққослаш, монографик кузатиш, статистик гуруҳлаш, мантикий фикрлаш ва илмий умумлаштириш усуллари кенг фойдаланилди.

Тадқиқот гипотезаси: пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар фермер хўжаликларида ер-сув, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, янги юқори технологиялар қўлланишини тезлаштириш асосида қишлоқ хўжалик экинларидан олинган ҳосилдорликни ошириш ҳамда сарф-харажатларни тежаш билан биргаликда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

- пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омилларни тизимлаштиришга қаратилган илмий тавсиялар ишлаб чиқилди;
- пахтачиликда инновацион агротехнологиялардан фойдаланиш самарадорлигига эришишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар тайёрланди;
- пахтачиликда агротехнологик жараёнларни амалга оширишда мамлакатнинг табиий-иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда, ҳудудлар кесимида ривожлантиришнинг иқтисодий мезонлари ишлаб чиқилиб амалий тавсиялар берилди;
- фермер хўжаликларида ер - сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш асосида агротехнологиялар самарадорлигини ошириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Илмий янгилиги:

- пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатлари очиқ берилди;
- пахтачиликда самарали агротехнологияларни жорий қилиш асосида соҳа самарадорлигини янада оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- агротехнологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари бўйича амалий тавсиялар тайёрланди;

- фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ривожлантириш асосида инновацион агротехнологиялардан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши республикамиз, шу жумладан, Самарқанд вилояти пахтачилигида самарали агротехнологиялардан фойдаланиш орқали пахта хом ашёсининг сифати, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ер-сувдан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, агротехнологик жараёнларни ўтказишга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот ишининг **амалий аҳамияти** шундан иборатки, тавсиялардан агросаноат мажмуи тармоқлари ўртасидаги интеграция жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан давлатнинг мақсадли дастурлари, фермер хўжаликларида самарали агротехнологиялардан фойдаланишни амалга ошириш ва шу соҳавий илмий изланишлар олиб борилишида, олий ўқув юртларида «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Фермер хўжалиги иқтисодиёти» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари асосида тайёрланган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (27.03.2008 далолатнома), Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (12.03.2008 далолатнома) томонидан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий ғоя ва натижалари «Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари» (Тошкент, 2005); «Социально-экономические проблемы переходной экономики» (Санкт-Петербург, 2005); «Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари» (Тошкент, 2007); «Фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ихтиёридаги ер участкаларини мақбуллаштириш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунини такомиллаштириш» (Тошкент, 2010) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ва Тошкент Давлат аграр университети илмий семинарлари ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий ишнинг мазмуни ва асосий ғоялари бешта илмий мақола ва ўн тўртта тезис кўринишида чоп этилган.


Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг матни 134 бетни ташкил этиб, 14 та расм ва 16 та жадвални ўз ичига олган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодий ривожланишида барқарорликни таъминлаш ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни қишлоқ хўжалиги хомашёсига бўлган эҳтиёжларини таъминлашнинг моддий асосидир. Қишлоқ хўжалигида мулкӣ муносабатларни ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳисобланади.

Республикамызда дон мустақиллигига эришиш учун 1991 йилда жами 1720,6 минг гектар пахта экин майдонларини 2009 йилга келиб 1391,2 минг гектарга камайтирилганлиги ушбу экин майдонларини 2010 йилда 1315,4 минг гектарга, яъни 75,8 минг гектарга қисқартириш асосида жами суғориладиган экин майдони таркибидаги салмоғини 70-80 фоиздан 35-40 фоизгача тушириш пахтачилик соҳасида мавжуд имконият ва ресурслардан самарали фойдаланиш, интенсив омиллар ҳисобига пахта хомашёси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб боришни тақозо этди. Ушбу ҳолат республикада пахтачилик соҳасини ички ва жаҳон бозоридаги конъюнктура асосида ривожлантириш зарурлигини кўрсатади. Фикримизча, республикада пахтачилик соҳасини истиқболда унинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, ички ва жаҳон бозоридаги пахта маҳсулотларига бўлган талабдан келиб чиқиб, соҳа самарадорлигини таъминловчи омиллардан унумли фойдаланиш асосида ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши зарур.

Пахтачилик соҳасида иқтисодий самарадорликни таъминловчи асосий омиллардан бири – самарали агротехнологиялардан фойдаланишни ўз вақтида амалга ошириш ҳисобланади. Бунинг учун аввало, фермердан пахта хомашёсини етиштириш агротехнологиясини етарли даражада ўзлаштириш тақозо этилади. Шу боис, пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланишни амалга ошириш самарадорликка таъсир этувчи етакчи омиллардан ҳисобланади, (1-расм).



1-расм. Пахтачиликда агротехнологиялардан сифатли фойдаланишга салбий таъсир этувчи омиллар таснифи⁴


⁴ Муаллиф томонидан тузилган.

Фикримизча, пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланишга салбий таъсир этувчи омилларни иккита гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳга - агротехнологиялардан сифатли фойдаланиш амалга оширилишига бевосита салбий таъсир этувчи омиллар агротехнологиялардан фойдаланишни ўз муддатида амалга ошириш имкониятини кечиктиради.

Иккинчи гуруҳга - агротехнологиялардан сифатли фойдаланиш амалга оширилишига билвосита салбий таъсир этувчи омиллар пахта ҳосилдорлиги камайишига ва қилинадиган сарф-харажатлар ошишига олиб келади.

Келтирилган муаммоларни ҳал этиш учун пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим, (2-расм).



2-расм. Агротехнологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг ташкилий - иқтисодий чора-тадбирлари тизими⁵

Фикримизча, пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланиш самарадорлигига эришиш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- агротехнологиялардан фойдаланиш муддатларини мақбуллаштириш, тўғри ташкил этиш ва техника воситалари таъминотини ўрганиш, экин майдонларини кузги шудгорлаш ишлари, ер майдонларини экишга тайёрлаш, экинни экиш, парваришда даврида ғўза қатор ораларига ишлов бериш, дефоляция ва пахта йиғим-теримини ўз вақтида амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади;

- агротехнологиялардан фойдаланишни амалга оширишда истикболли ғўза навларини, ерга оптимал ишлов беришни, зарур органик ва минерал ўғитлар нисбатини аниқлаш, экинларни белгиланган меъёрлар бўйича суғориш ишлари ўз муддатида бажарилиши экин майдонларидан олинадиган ҳосилдорлик ошишини ва харажатлар тежалишини таъминлайди;

- агротехнологик жараёнларга масъул бўлган мутахассислар ва ишчи - хизматчилар малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш, уларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш, амалиётга кенг кўламда жорий қилиш орқали хўжалик юритишнинг замонавий, самарали усулларида фойдаланиш ҳамда молиявий маблағлар миқдори ва хизмат кўрсатиш инфратузилмалари баҳолари

⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

мутаносиблигини таъминлаш агротехнологиялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятларини яратади.

Ушбу йўналишларни жорий этишда қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиш лозим:

- жаҳон бозорида пахта толасига бўлган талаб ўзгаришини;
- пахта экини учун унумдор ва текис ерлар талаб этилиши;
- ғўза етиштириш, озиклантириш, суғориш ва ишлов бериш агротехнологиясига қатъий амал қилиш зарурлиги;
- пахтани қисқа муддатда йиғиб-териб олиш зарурияти ва бошқалар.

Республикамиз пахтачилигида қўлланилаётган анъанавий агротехнологиялар тизимини оптималлаштириш орқали тупроқ унумдорлигини яхшилаш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш ҳамда моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежаш натижасида сарф-харажатларни қисқартириш ўта долзарб тадбирлар ҳисобланади.

Фикримизча, амалдаги агротехнологияларни оптималлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий жиҳатлари қуйидагича бўлиши лозим, (3-расм).



3 - расм. Пахтачиликда агротехнологиялар тизими ва улардан фойдаланишнинг таснифланиши⁶

⁶ Муаллиф томонидан тузилган.

Юқорида келтирилган агротехнологиялар маҳсулот етиштиришда техника воситаларининг далага кириши билан боғлиқ ортиқча амалларни иложи борица қисқартиришга, қўшимча харажатларни тежашга, тупроқ унумдорлиги яхшила- нишига, ҳосилдорликнинг ошишига, экинларни суғоришда сув сарфи исрофгар- чилигига, минерал ўғитларнинг экологияга ва инсон саломатлигига салбий таъсирининг олдини олишга, унинг зарари ва нархи ошиб бораётган ҳозирги даврда маҳаллий ўғитлардан кенг фойдаланишга, ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олиш мавсумини муваффақиятли якунланишига ҳамда соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шунинг учун мамлакат пахтачилигида самарали инновацион агротехнологиялардан фойдаланишни амалиётга кенг кўламда татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Пахтачиликда ресурсларни тежовчи самарали инновацион агротехнология- ларни қўллаш фан-техника ютуқларидан нисбатан тўлароқ фойдаланилаётганидан далолат беради. Бу жараён энг аввало, анъанавий агротехнологиялар билан самарали инновацион агротехнологияларни қиёсий таққослашлари орқали солиштирилиб, бунда қайси технология меҳнат унумдорлигини ошириши, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириши, маҳсулот ҳажмини кўпайтириши, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар тежалишини, ердан унумли фойдаланиш асосида унинг ҳосилдорлиги ҳамда иқтисодий самарадорлиги оширилиши билан ифодаланади, (1- жадвал).

1-жадвал.

Пахтачиликда агротехнологиялар тизимини қиёсий таққослаш усуллари⁷

№	Анъанавий агротехнологиялар	№	Самарали инновацион агротехнологиялар
1	Тупроққа ишлов бериш	1	Тупроққа оптимал ишлов бериш
2	Алмашлаб экиш	2	Пахта – беда алмашлаб экилиши
3	Ўза навлари селекцияси	3	Истиқболли ўза навлари селекцияси
4	Чигит экиш	4	Чигит экиш ва кўчатни жойлаштириш
5	Кўчатни жойлаштириш		
6	Ўза қатор ораларига ишлов бериш	5	Ўза қатор ораларига оптимал ишлов бериш ҳамда минерал ва органик ўғитларни қўллаш
7	Минерал ва органик ўғитларни қўллаш		
8	Анъанавий суғориш технологияси	6	Сув тежовчи технологиялар (томчилатиб)
9	Ўза заракунандаларига қарши курашни анъанавий усуллари	7	Ўза заракунандаларига қарши курашни экологик тоза ва биологик усуллари
10	Ўзани чилпиш	8	Ўзани чилпиш ва дефоляция қилиш
11	Ўзани дефоляция қилиш		

Бизнинг ҳисоб-китобимизга кўра, ўн битта агротехнологик жараёнларни оптималлаштириш, яъни саккизтага камайтириш орқали пахта ҳосилдорлигини ошириш ва сарф-харажатларни тежаш имкониятини яратади. Пахтачиликда самарали инновацион агротехнологиялар қўлланиш даражасининг ортиши моддий ва бошқа ресурслардан фойдаланиш тежамкорлигини таъминлайди. Ресурслардан тежамли фойдаланиш эса, меҳнат унумдорлигини оширишга ва ишлаб чиқариш барқарор ривожланишини таъминлашга ва қишлоқ хўжалиги моддий-техника базаси ва молиявий имкониятлари мустаҳкамланишига замин яратади.

Фикримизнинг далили сифатида монографик тадқиқотлар ўтказилган Самарқанд вилояти Пахтачи туманининг «Сокин» фермер хўжалигида анъанавий

⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

агротехнологиялар қўлланилганда пахта ҳосилдорлиги сезиларли ҳажмда ошмаслиги ва рентабеллик даражаси меъёрга нисбатан ўсмаслигидан далолат бермоқда. «Мамадиёров Наби Жиянович» фермер хўжалигида эса, самарали инновацион агротехнологиялар мақсадли йўналишларда ташкил этилиши асосида экин майдонидан олинадиган ҳосилдорлик ва рентабеллик даражаси ошишини кўришимиз мумкин. Шунингдек, монографик кузатувда ўрганилган «Сокин» ва «Мамадиёров Наби Жиянович» фермер хўжаликларининг кўрсаткичлари турлича бўлмоқда, (2-жадвал).

2-жадвал

«Сокин» ва «Мамадиёров Наби Жиянович» фермер хўжаликларида пахта хом ашёси етиштириш самарадорлик кўрсаткичларининг таққослама таҳлили⁸

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар					2009 й. 2005 й. га нисба- тан, %
			2005	2006	2007	2008	2009	
«Сокин» фермер хўжалиги	Пахта экин майдони	га	18,0	18,0	18,0	23,5	29,3	161,4
	Ўртача ҳосилдорлик	ц/га	21,6	20,3	21,2	22,3	20,5	95,0
	Ялпи маҳсулот ҳажми	тонна	38,8	36,5	38,1	52,4	60,6	164
	Ялпи ҳосил қиймати	минг сўм	9874	12848	13411	22532	30253	3,8 м
	Жами сарф - харажатлар	минг сўм	7899	10021	10997	18025	24689	3,1 м
	Жами сарф - харажатлар	%	100	100	100	100	100	100
	Шундан: иш ҳақи	%	41	42	41,2	43,3	44	107
	Уруғлик	%	5	5,2	5,4	5,6	4,9	98
	Ўғит сарфи	%	14	13	13,5	14	13,7	97
	Ёқилғи - мойлаш	%	12	11	13,2	12,5	11,9	99
	Иш ва хизматлар ҳақи	%	12	10,4	11,6	11,6	11,8	98
	Бошқа харажатлар	%	16,4	18,4	14,9	14,8	14,8	90
	Олинган фойда	минг сўм	1975	2874	2414	4507	5564	2,8 м
	Рентабеллик даражаси	%	25,0	28,6	21,9	25,0	22,5	90
«Мамадиёров Наби Жиянович» фермер хўжалиги	Пахта экин майдони	га	16,5	16,5	16,5	21,2	24,6	125,2
	Ўртача ҳосилдорлик	ц/га	34,5	37,6	41,8	44,5	50,7	146
	Ялпи маҳсулот ҳажми	тонна	53,4	62,0	68,9	94,3	122,1	2,2 м
	Ялпи ҳосил қиймати	минг сўм	13617	18972	24252	40544	61311	4,5 м
	Жами сарф - харажатлар	минг сўм	10212	14039	17674	30408	42918	4,2 м
	Шундан: иш ҳақи	минг сўм	42	42,5	43	43,3	44	104
	Уруғлик	%	3,8	4,0	4,2	4,4	3,2	84
	Ўғит сарфи	%	11	10	11,2	12,8	10,1	93
	Ёқилғи - мойлаш	%	11,2	10,2	11,0	11,3	10,4	92
	Иш ва хизматлар ҳақи	%	8,3	9,2	9,2	9,0	9,8	118
	Бошқа харажатлар	%	23,7	24,1	21,4	19,2	22,3	94
	Олинган фойда		3405	4933	6588	10136	18393	5,4 м
	Рентабеллик даражаси		33,3	35,1	37,2	33,3	42,8	128,5

*ИЗОХ: м-марта


Жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, бир жойда ва имкониятлари тенг бўлган мазкур фермер хўжаликларининг иқтисодий кўрсаткичлари бири-биридан кескин фарқланмоқда. Масалан, «Сокин» фермер хўжалигида 2009 йил 2005 йилга нисбатан олинган фойда 2,8 мартага, «Мамадиёров Наби Жиянович» фермер хўжалигида эса 5,4 мартага ошган. «Сокин» фермер хўжалигида 2005 йилда рентабеллик даражаси 25,0 фоизни, 2009 йилда бу кўрсаткич 22,5 фоизни ташкил этган. Шунингдек, «Мамадиёров Наби Жиянович» фермер хўжалигида эса, 2005

⁸ Самарқанд вилояти Пахтачи тумани статистика бўлими маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

йилда рентабеллик даражаси 33,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йил келиб, бу кўрсаткич 42,8 фоизга ошганлигини кузатишимиз мумкин.

Ушбу таҳлиллардан шуни айтиш мумкинки, «Мамадиёров Наби Жиянович» фермер хўжалигида кейинги йилларда самарали инновацион агротехнологиялардан фойдаланишни амалга ошириш ўз вақтида ва илмий асосланган меъёрлар асосида бажарилган бўлиб, бу фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги ошишини таъминлаган. Бундай фермер хўжалиги тажрибаларини вилоятнинг бошқа фермер хўжаликларида ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларини мақбуллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш агротехнологик жараёнларни ўтказишга ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, фермер хўжаликларида агротехнологик жараёнларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади, (4-расм).



4-расм. Пахтачиликда агротехнологик жараёнларни амалга оширишга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини фаолият кўрсатиш динамикаси⁹

Таҳлилларимиз кўрсатишича, фермер хўжаликларида 2005 йилда 4 минг 110 тани, 2009 йилда эса жами 7 минг 353 та хизмат кўрсатиш шохобчалари агротехнологик жараёнларни амалга оширишда фаолият кўрсатмоқда. Юқорида қайд этилган барча ислохотлар ва таъсирчан амалий чора-тадбирлар қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ошишига олиб келиши мумкин.

Хизмат кўрсатиш тизимлари орқали фермер хўжаликларида маслаҳатлар бериш ва мутахассислар малакасини ошириш, тупроққа ишлов берувчи қишлоқ хўжалиги техникаларидан унумли фойдаланиш, илмий асосланган самарали инновацион агротехнологиялардан, шу жумладан, алмашлаб экиш (пахта-беда) тизимининг мақбул схемалари қўлланилиши, ресурс тежовчи, тупроққа оптимал

⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ишлов бериш, тупроқ унумдорлигини сақловчи агротехнологиялардан фойдаланиш ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ошишини таъминлайдиган ушбу тизимни амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнингча, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, пахтачиликда самарали инновацион агротехнологиялардан фойдаланишни амалга ошириш энг аввало, соҳага хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, хизмат кўрсатувчи корхоналар ва фермер хўжаликлари ўртасида ўзаро манфаатли ташкилий-иқтисодий йўналишларини такомиллаштириш талаб этилади, (5-расм).



5-расм. Пахтачиликда агротехнологик жараёнларни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари¹⁰

Ушбу омиллар пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланиш сифатига ва натижада, иқтисодига турлича механизмлар ҳамда муносабатлар доирасида таъсир кўрсатади. Булар жумласига:

¹⁰ Муаллиф томонидан тузилган.


- пахта хомашёсига давлат буюртмасининг сақланиб қолиши ва етиштирилган маҳсулотнинг умумий ҳажмини давлат томонидан қатъий белгиланганлиги, эркин бозордаги баҳодан анча паст харид баҳолари асосида сотиб олиниши – фермернинг моддий манфаатдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, агротехнологик жараёнларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

- маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳўжаликнинг табиий-иқлим шароитлари, техник-технологик, малакали ходимлар билан таъминланиш даражаси, иқтисодий имкониятлари, ресурсларни сотиб олишдаги шароитларга мос келиши;

- ишлаб чиқарувчи маҳсулотини бозорда сотиш орқали олган маблағи ҳисобидан харажатларини қоплаши ва сарфланган ресурслар қайтими таъминланиши билан бирга, қўшимча фойда олиш ҳисобига фермерда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш имкониятининг яратилиши.

Шундан келиб чиқиб, пахтачиликда агротехнологик жараёнларни мамлакатнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар кесимида ривожлантиришни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, (6-расм).



6-расм. Пахтачиликда агротехнологик жараёнларни амалга оширишнинг ҳудудий гуруҳланиши¹¹

Республиканинг пахтачилик ҳудудларини гуруҳларга ажратишда бир қатор омилларни ҳисобга олиш лозим бўлади. Жумладан, белгиланган I – III ҳудудларда агротехнологик тадбирларни режалаштириш, ташкил этиш ва моддий-техника ресурслари билан таъминлаш каби масалаларга боғлиқ бўлган жараёнларни юқорида қайд этилган гуруҳларни ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олингани ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

¹¹ Муаллиф томонидан тузилган.

IV-худуд – унумдорлиги паст, мелиоратив ҳолати ёмон, сизот сувлари яқин бўлган ва унумдорлиги 40 баллдан паст ерлар киритилади. Бундай майдонларда етиштирилган пахта ҳосилдорлигига нисбатан камаяди ва ишлаб чиқаришнинг зарар билан якунланишига сабаб бўлади. Шу боис, тупроқ унумдорлиги 40 баллдан паст бўлган майдонларга озуқа-мойли экинлар экишни кенгайтириш ҳисобига чорвачиликни ривожлантириш тавсия этилади.

Республикамиз пахтачилик соҳасига хос бўлган яна бир хусусият, бу - фермер хўжаликлари экин майдонлари ҳажми кичиклиги бўлиб, бундай шароитда замонавий, юқори унумли техникалардан фойдаланиш, агротехнологик жараёнларни сифатли ўтказиш имконияти чегараланиб қолади. Шунинг учун фермер хўжаликлари ер майдонларидан самарали фойдаланиш, молиявий-иқтисодий аҳволни ва моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, ердан фойдаланишда туманларнинг тупроқ-иқлим шароитига, аҳоли зичлиги ва бандлиги масалаларига эътибор қаратилди. Шунингдек, хўжаликларнинг тармоқ ихтисослиги бўйича ер участкаларини мақбуллаштириш бўйича кенг қамровли ва тизимли чоратадбирлар амалга оширилиши натижасида жами фермер хўжаликлари сони 2010 йилга келиб, республика бўйича 80 минг 600 тани, уларга ажратилган ўртача ер майдони 60,7 гектарни ташкил этди. Жаҳон амалиёти тажрибаларига таянадиган бўлсак, келгусида фермер хўжаликлари ер майдонларини янада оптималлаштириш уларнинг иқтисодий имкониятларини оширишга замин яратиши мумкин.

Пировардида эса, ишлаб чиқиладиган ва жорий этиладиган самарали инновацион агротехнологиялар ҳисобига пахта етиштиришдаги моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар тежалиб, фермернинг қўл меҳнатидан озод этишига эришилади. Айни пайтда эса, пахта ҳосилдорлигини ошириш, сифатини яхшилаш билан биргаликда, экологик мувозанат ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш, ғўза зараркунандаларига қарши курашишнинг экологик тоза ва биологик усулларида самарали фойдаланишга кенг қўламли йўл очилади. Шу билан бирга, меҳнат унумдорлигини ошириш, пахта майдонларида тупроққа ишлов беришни оптималлаштириш ҳисобига нафақат сарф-харажатларни камайтириш, балки тупроқнинг механик таркиби бузилиши, шўрланиш даражаси ортишининг олди олинишига эришилади ва пахтачилик барқарор ривожланишини таъминлашнинг муҳим омили яратилади.

ХУЛОСА

Тадқиқот иши жараёнида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

1. Пахтачиликда ресурсларни тежовчи самарали агротехнологияларни яратиш жараёнини тезлатишда бевосита илм - фаннинг роли каттадир. Жамият ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар қандай тармоғини барқарор ривожлантиришни замонавий технологиялар, самарали услублар ва воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи - назардан аграр ишлаб чиқаришни истиқболли ривожлантиришда қишлоқ хўжалик экинларининг жумладан, пахтани ҳар бир худуднинг ўзига хос бўлган тупроқ ва агроэкологик шароитларидан келиб чиққан ҳолда, юқори унумли ва барқарор навларини яратиш ҳамда ресурсларни тежовчи самарали агротехнологияларни амалиётга жорий қилиш.

2. Пахтачиликда турли хил омилларнинг таъсири ўзаро боғлиқликда эканлигини таъкидлаган ҳолда агротехнологиялардан фойдаланишни самарали олиб бориш эркин бозор шароитида бевосита ишлаб чиқарувчи томонидан амалга оширилувчи тадбир эканлигини таъкидлаш зарур. Лекин, иккинчи томондан, агротехнологиялардан фойдаланишни амалга оширишда билвосита таъсирга эга бўлган ресурс етказиб берувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг ривожланиш даражаси ҳам муҳим аҳамиятга эканлигини таъкидлаш зарур. Демак, бизнинг фикримизча, агротехнологиялардан фойдаланишни самарали ташкил этиш ва уни ўтказиш ишлаб чиқарувчи, ресурс етказиб берувчи ҳамда хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқликни тақозо этади.

3. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёнини такрор ишлаб чиқариш асосида ташкил этиш учун уларнинг молиявий фаолиятига таъсир этувчи омиллар пахта хомашёсини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган агротехнологиялардан фойдаланишни амалга оширишга таъсир этувчи омиллар тизимини ва уни молиялаштириш манбалари таснифи ишлаб чиқилиши амалиётга кенг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, кейинги йилларда пахта ҳосилдорлигининг кескин пасайиши, ишлаб чиқариш техникалари ва агротехнологик жараёнларни илмий асосланган нормативлар асосида амалга ошириш учун зарур бўлган кимёвий ўғитлар, ёқилғи нархлари кескин ўсиши оқибатида пахта хомашёси ишлаб чиқарилишида номутаносибликлар содир бўлди. Шу билан бирга, илғор пахтачилик фермер хўжаликлари иқтисодий таҳлили бўйича ушбу соҳанинг тўла самарадор бўлишини таъминлаш учун фойдаланилмаган захиралар аниқланиб, уларни тежамкорлик асосида ишлатилиши кўрсатилди.

5. Пахта хомашёсига давлат буюртмаси сақланиб қолиши ва етиштирилган пахта хомашёси умумий ҳажмининг давлат томонидан қатъий белгилангани, эркин бозордаги баҳодан анча паст харид баҳолари асосида сотиб олиниши – деҳқоннинг моддий манфаатдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Яъни, унумдорлиги ўртача ва ўртачадан паст бўлган ерларда маҳсулот етиштирувчи деҳқон йил якунида паст даромад олишини ёки зарар кўришини олдиндан билгани ҳолда, агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли ўтказишга етарли эътибор бермайди. Бу муаммони ҳал этиш фақат фермерларнинг моддий манфаатдорлик даражаларини ошириш орқали ҳал этиш мумкин. Акс ҳолда, пахтачилик соҳаси учун ажратилган ишлаб чиқариш ресурсларини кўпроқ даромад келтирадиган қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига сарф қилиш ҳолатларига чек қўйиб бўлмайди (пахта учун ажратилган минерал ўғитларни сабзавот ва бошқа экинларни парваришlashга сарфлаш ёки нефть маҳсулотларини хусусий тармоққа сотиш кабилар). Бу эса, ўз навбатида, пахта етиштиришга жалб қилинган барча ресурсларнинг (ер ва сув ресурслари, минерал ўғитлар, ёқилғи - мойлаш материаллари, техникаларга қилинган сарфлар, иш ҳақи ҳаражатлари ва бошқалар) самарасиз сарф қилинишига олиб келади.

6. Пахтачиликда минерал ўғитлар ва турли хил кимёвий воситалардан фойдаланиш зарур бўлсада, уни инсон соғлигига салбий таъсир этишини эътиборга олиш керак. Шунинг учун ғўза зараркундаларига қарши курашишда инсон соғлигига хавф туғдирувчи ўта захарли препаратлар ўрнига зарарсиз биологик усулда курашиш доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, қишлоқ хўжалигида кимёвий воситаларни

қўллашдан тўлалигича воз кечиб бўлмайди, чунки у ёки бу турдаги зараркунанда касаллик ва бегона ўтларнинг мунтазам пайдо бўлиши кимёлаштириш ишларини талаб этади. Бунда бош мезон сифатида барча кимёвий воситалар ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш билан бирга, пахтачилик ва кимёлаштириш муаммосининг комплекс ҳал этилиши яъни, қишлоқ хўжалиги ва кимёсаноати ўртасида узлуксиз алоқалар ҳамда юқори якуний натижаларга эришишда уларнинг имконият ва манфаатлари уйғунлашуви муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, сўнгги вақтда ўсимликларни уйғунлаштирилган усулда ҳимоялаш кенг тарқалмоқда. Мазкур усулнинг негизида экологик мувозанат ва табиий шаклланган биотсенозни яъни, фойдали ҳашоратларнинг иқтисодиётга зарар келтирмайдиган хилини сақлаш учун ўсимликни ҳимоялаш комплексли (агротехник, физик, биологик, кимёвий ва бошқа) усуллардан унумли фойдаланиш лозим. Бу, ўз навбатида, пуркалаётган кимёвий моддалар миқдорини кескин камайтиришга, унинг зарарлик даражаси пасайишига олиб келади ҳамда таъкидланган тадбирлардан келиб чиқиб, пахта етиштириш жараёнларини кимёлаштириш сиёсатини ишлаб чиқишни кенг татбиқ этиш зарур.

7. Амалиёт тажрибалари кўрсатишича, пахтачиликнинг барқарор ривожланишига табиий-хўжалик, ташкилий-иқтисодий ва экологик омиллар, шу жумладан, ишлаб чиқаришнинг пахтачилик тармоғини ривожлантириш учун зарур бўлган йиллик сув таъминоти ўзгариши, ёғингарчилик миқдорлари, самарали ҳарорат, жойларнинг рельефи, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва маҳсулот тайёрлаш жараёнида экологик мувозанатнинг сақланиши каби омиллар бевосита, шунингдек, пахта етиштирувчи фермерларни моддий рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш, моддий-техника ресурслари билан таъминлаш ва маҳсулот сотиш тизимини, сервис хизматлари кўрсатиш ва қайта ишлаш тармоғини ривожлантиришни ўз ичига олган иқтисодий дастакларга самарали амал қилиш ҳам пахтачиликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

8. Пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг муҳим йўлларида бири бўлган қишлоқ хўжалиги инфратузилмалари ва ресурслар таъминотини – хизмат кўрсатувчи субъектлар билан улар ўртасида тузилган шартномавий муносабатлар орқали, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, субъектлар мажбуриятлари ва моддий манфаатдорлигини оширишга асосланиши керак. Фермер хўжаликларида агротехнологиялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларнинг ресурслар таъминоти мавжуд имкониятларга эга бўлишлари ва уларнинг такомиллаштирилганлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини замонавий талаблар даражасига кўтарилишини таъминлайди.

9. Монографик кузатишлар ва таҳлилларга кўра, фермер хўжалигида самарали агротехнологиялардан фойдаланиш ўз вақтида ва илмий асосланган меъёрлар асосида бажарилган бўлса, албатта ушбу фермернинг иқтисодий кўрсаткичларида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилади. Бундай фермер хўжаликлари тажрибаларини республика-мизнинг бошқа фермер хўжаликларида ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

10. Пахтачиликда мавжуд ер майдонларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидандир. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот жараёнида республика пахтачилик тизимида фойдаланиладиган ер майдонлари мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб, тўртта ҳудудга бўлинди. Бунда ер

балл-бонитети 40-100 баллгача бўлган учта ҳудудда тежамкор агротехнологиялардан фойдаланилган ҳолда кўзланган мақсадга эришиш мумкинлиги аниқланди. Ернинг балл-бонитети 40 баллдан паст бўлган пахта майдонларида озуқа ва мойли экинлар экилиши орқали чорвачиликни ривожлантириш тавсия этилади.

Тадқиқот ишида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- пахта етиштиришда моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежовчи самарали инновацион агротехнологиялардан фойдаланишни жорий этишни кўзда тутиш;

- ғўза зараркунандаларига қарши курашишнинг экологик тоза ва биологик усулларида фойдаланиш орқали атроф - муҳитни муҳофаза қилиш ва тупрок унумдорлигини сақлаб қолиш имконини яратиш;

- пахта экин майдонларида тупроққа оптимал ишлов бериш ҳисобига нафақат сарф-харажатларни қискартириш балки, тупроқнинг механик таркиби бузилиши, шўрланиш даражаси ортишининг олди олиниши;

- самарали инновацион агротехнологиялар тизими фермер хўжаликларининг пахта экин майдонларидан олинадиган ҳосилдорлиги кўпайишини, сифати яхшиланиши ва сарф-харажатлар тежалишини ҳамда даромад миқдори ошиши билан биргаликда уларда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш кенг кўламда йўлга қўйилишини таъминлайди;

- фермер хўжаликлари ер участкаларини мақбуллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида пахта-ғаллачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжаликлари сонини 2010 йилга келиб 41,8 минг тага етказилиши, улар тасарруфидаги ер участкаларини 3381,4 минг гектарга, яъни бир хўжаликка ўртача 80,7 гектарга тўғри келиши уларда агротехнологик жараёнлар ўтказилишига хизмат кўрсатувчи инфратузилма субъектлари фаолиятини ўз вақтида сифатли амалга оширишларини таъминлайди.

- пахтачилик соҳасида тузиладиган шартномалар ўз вақтида амалга оширилишига алоҳида эътибор қаратилиши керак. Бу, бир томондан, хизмат кўрсатувчиларнинг масъулиятини оширса, иккинчи томондан, пахта етиштирувчи фермернинг ғўзани парваришлаш билан боғлиқ агротехнологик жараёнларни ўз вақтида ва сифатли ўтказилишига замин яратиб, кўзда тутилган даромадлар олишини таъминлашга ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилиши иқтисодий самарадорлиги оширилишига хизмат қилади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Азизкулов Б.Х. Барқарорлик омиллари // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2003. -№ 9. – Б.9.
2. Азизкулов Б.Х., Холиёров У.К. Пахта етиштиришда илғор технологияларни қўллашнинг самарадорлиги // Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари: II Том. Магистрантларнинг тўртинчи илмий-амалий конференцияси тезислар ва маърузалар тўплами. – Тошкент, 2005. – Б. 48-50.
3. Кушаев Т.К., Азизкулов Б.Х., Умурзокова Э.У. Стратегия экономических реформ при формировании рынка агротехнических услуг в фермерских хозяйствах // Социально-экономические проблемы переходной экономики. – Санкт –Петербург, 2005. –С. 246-249.
4. Кушаев Т.К., Азизкулов Б.Х. Использование маркетинга в условиях экономической реальности на предприятиях Узбекистана // Образование и социально – экономическое развитие в начале третьего тысячелетия. – Москва, 2006. – С.125-126.
5. Азизкулов Б.Х., Мирзаев М.П. Суғорма деҳқончиликда сув ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш // Проблемы надежности и безопасности гидротехнических сооружения. Материалы республиканской научно – практической конференции. –Ташкент, – 2006. – С. 477.
6. Азизкулов Б.Х., Пардиева К.А. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда замонавий технологиялардан фойдаланишнинг самарадорлиги //Сув ва қишлоқ хўжалигининг замонавий муаммолари: VI-илмий-амалий республика анжумани мақолалар тўплами. –Тошкент, 2007. – Б. 48-49.
7. Азизкулов Б.Х. Қишлоқ хўжалиги ерларини мелиорациялашда илғор техника ва технологияларни қўллашнинг зарурияти // Ер ва сув ресурсларидан фойдаланишда бозор муносабатларини шакллантиришнинг иқтисодий муаммолари: республика илмий – амалий анжумани. –Тошкент, 2007. – Б. 28-29.
8. Азизкулов Б.Х. Илғор технологиялар самарадорлигини баҳолаш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2008. -№8. – Б. 29-30.
9. Азизкулов Б.Х. Илғор технологиялар иқтисодий самарадорлиги // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. –Тошкент, 2008. -№9. – Б. 35.
10. Азизкулов Б.Х. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида пахтачиликда агротехнологик жараёнларни амалга ошириш чора-тадбирлари // Фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ихтиёридаги ер участкаларини мақбуллаштириш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунини такомиллаштириш: илмий – амалий анжумани. –Тошкент, 2010 – Б.206-208.
11. Азизкулов Б.Х. Пахтачиликда агротехнологик жараёнларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини ривожлантириш муаммолари // Фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда уларнинг ихтиёридаги ер участкаларини мақбуллаштириш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунини такомиллаштириш: илмий – амалий анжумани. –Тошкент, 2010. – Б.208-209.
12. Азизкулов Б.Х. Пахтачиликда агротехнологик жараёнларни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва молиявий муносабатларини такомиллаштириш // Зооветеринария. –Тошкент, 2010. – № 8. –Б. 34.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Азизкулов Бахтиёр Хушвактовичнинг 08.00.04- «Агросаноат мажмуи иқтисодиёти» ихтисослиги бўйича «Пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги (Самарқанд вилояти мисолида)» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: пахтачилик кичик мажмуи, агротехнология, агротехник тадбирлар, инновация, оптималлаштириш, иқтисодий самарадорлик, рентабеллик.

Тадқиқот объекти: Самарқанд вилоятида пахта хомашёси етиштирувчи фермер хўжаликлари фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: мантикий фикрлаш, илмий умумлаштириш, қиёсий таққослаш, статистик гуруҳлаш, монографик кузатиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатлари асослаб берилган; пахтачиликда агротехнологиялардан фойдаланишнинг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар тизимлаштирилган; пахта етиштиришда агротехнологияларни жорий этиш самарадорлиги баҳоланган; пахтачиликда самарали агротехнологияларни жорий қилиш самарадорлигини янада оширишга қаратилган амалий таклифлар ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилган; пахтачиликда агротехнологик жараёнларни амалга оширишга хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектларини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: тадқиқот ишида олинган илмий таклиф ва амалий тавсияларни амалиётга жорий этилиши республикамиз, шу жумладан, Самарқанд вилояти пахтачилигида самарали агротехнологияларни жорий этиш орқали пахта хомашёсининг сифати, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва пахтачилик фермер хўжаликлари билан хизмат кўрсатувчи инфратузилма объектлари ўртасидаги ташкилий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришда хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот ишининг илмий хулоса ва натижалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (27.03.2008 й.), Самарқанд вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (12.03.2008 й.) томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган.

Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти», «Фермер хўжалиги иқтисодиёти» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқув жараёнларида фойдаланиш мумкин.

Қўлланиш соҳаси: Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

Диссертации Азизкулова Бахтияра Хушвактовича на тему: «Экономическая эффективность использования агротехнологий в хлопководстве (на примере Самаркандской области)» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.04 – «Экономика агропромышленного комплекса»

Ключевые слова: малый хлопководческий комплекс, агротехнология, агротехнические мероприятия, инновация, оптимизация, экономическая эффективность, рентабельность,

Объект исследования: деятельность фермерских хозяйств по производству хлопк-сырца в Самаркандской области.

Цель исследования: разработать научные предложения и практические рекомендации по повышению экономической эффективности использования агротехнологий в хлопководстве в условиях модернизации экономики.

Методы исследований: сравнения, монографические наблюдения, статистические группировка, логическое мышление и научного обобщения.

Полученные результаты и их новизна: обоснована важность экономической эффективности использования агротехнологий в хлопководстве; систематизированы факторы, влияющие эффективность агротехнологий в хлопководстве; оценены внедрение эффективных агротехнологий в хлопководство; разработаны научные предложения и практические рекомендации по дальнейшему эффективности отрасли на основе внедрения агротехнологий в хлопководство; разработаны научные предложения и практические рекомендации по развитию инфраструктур; способствующих осуществлению агротехнологических процессов в хлопководстве.

Практическая значимость: внедрение предложений и рекомендаций разработанных в результате научно-исследовательских работ по внедрению эффективных агротехнологий, позволит повысить качества хлопко-сырца, объемы производства и его экономическую эффективность, а также способствует усовершенствованию экономических отношений между хлопководческими фермерскими хозяйствами обслуживающими инфраструктурами в республике и в частности Самаркандской области.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты и выводы исследования были приняты Министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан (27.03.2008 г.), и управлением сельского и водного хозяйства Самаркандской области (12.03.2008 г.) для практического применения. Материалы диссертации могут быть использованы в совершенствовании учебных программ курсов: «Экономика сельского хозяйства», «Экономика фермерского хозяйства» и в процессе преподавания в высших учебных заведениях.

Область применения: Министерство сельского и водного хозяйства, ассоциации фермерских хозяйств Узбекистан, высшие учебные заведения.

Resume

Thesis of Bahtiyor Xushvaktovich Azizkulov on the scientific degree competition of candidate of economics, specialty 08.00.04- "Economics of Agro industry complex", subject - "Economic efficiency of agrotechnologies application in cotton farming (on example of Samarqand region)"

Key words: small cotton farming complex, agrotechnology, agrotechnical activities, innovation, optimalization, economic efficiency, cost efficiency.

Subjects of research: activity of seed cotton producing farms in Samarqand region.

Purpose of work: to develop scientific proposals and practical recommendations on raising economic efficiency of agro technologies application in cotton farming sector of agriculture in conditions of economic modernization.

Research methods: methods of comparison, monographic observation, statistic grouping, logic thinking and scientific generalization were widely used.

The results obtained and their novelty: the importance of economic efficiency of agro technologies application in cotton farming was grounded, the factors influencing the efficiency of agro technologies application in cotton farming were systematized, the introduction of effective agro technologies in cotton farming and its efficiency were assessed, scientific proposals and practical recommendations on further enhancing of the field efficiency on the basis of effective agrotechnologies introduction in cotton farming, scientific proposals and practical recommendations on development of infrastructures fostering agro technological processes in cotton farming were made.

Practical value: introduction of the developed scientific proposals and practical recommendations will foster increase in seed cotton quality, production and its economic efficiency, and improve the organizational and economic relations between cotton farmers and service infrastructures by the use of bringing in effective agro technologies in cotton farming in our republics, particularly in Samarqand region.

Degree of embed and economic effectivity: scientific conclusions and results of the research were adopted for use by the Ministry of Agriculture and Water Resources of the Republic of Uzbekistan (27.03.2008) and Department of Agriculture and Water Resources of Samarqand region (12.03.2008) for introduction in practice. Research materials can be used in improvement and teaching of curriculums of subjects "Agricultural economics" and "Economics of farm" in higher educational institutions.

Field of application: The Ministry of Agriculture and Water Resources, Association of farms of Uzbekistan, higher educational institutions.

Tadqiqotchi _____
